

**Насиба Сайдалиева Фарходовна,  
филология фанлари номзоди  
Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи  
(Ўзбекистон Республикаси )**

## **МУАЗЗАМХОН ИЖОДИДА МУСОФИРЛИК МАВЗУСИ**

**Аннотация:** Мақолада XIX асрда яшаб ижод этган шоира Муаззамхон ижодида мусофирлик мавзусида ёзилган ғазаллари ҳақида гап боради. Шоиранинг айрим ғазалларидаги бадий таҳлил қилинган. Муаззамхон яратган лирик қаҳрамон кечинмалари, қарашлари бугунги давр нуқтаи назаридан ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Мусофирлик, тасаввуф, метафора, карвонсарой.

**Сайдалиева Насиба Фарходовна,  
кандидат филологических наук  
Академический лицей при Самаркандском институте  
экономики и сервиса  
(Республика Узбекистан)**

## **ТЕМА ОТЧУЖДЕНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ МУАЗЗАМХАНА**

**Аннотация:** в статье рассматриваются газели, написанные на тему отчуждения в творчестве поэта Муаззамхана, который жил и творил в 19 веке. Был проведен художественный анализ некоторых газелей похеры. Переживания лирического героя созданы Муаззам-ханом, взгляды которого изучаются с точки зрения современной эпохи.

**Ключевые слова:** отчуждение, мистика, метафора, караван-сарай.

**Saidalieva Nasiba Farkhodovna,  
Candidate of philological sciences**

### **THE THEME OF ALIENATION IN THE WORK OF MUAZZAMKHAN**

**Annotation:** the article deals with ghazals written on the topic of alienism in the work of the poet Muazzamkhan, who lived and worked in the 19th century. Artistic analysis of some ghazals of pohera was carried out. The lyrical hero experiences created by Muazzam Khan, the views of which are studied from the point of view of today's era.

**Keywords:** alienation, mysticism, metaphor, caravanserai.

Шарқ шеърлятида дунёнинг бебақолиги, умрнинг югуриклиги, ҳаётнинг ўткинчилиги мавзулари кўп маротаба қаламга олинган. Муаззамхон шеърлятида ҳам шу мавзу юзасидан кенг мушоҳада юритилади:

Сен мусофирликда маҳзун бўлма, эй жон, ғам ема,  
Бу жаҳон ичра мусофир барча инсон, ғам ема.

Биринчи мисрадаги «мусофирлик» сўзи икки маънода ишлатилган. Биринчисида, шоиранинг ўз юртидан ўзга юртга тушганлигига ишора этилмоқда. Иккинчи маъноси эса, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан ерга туширилганлиги, шу туфайли барча одам болаларининг мусофирлиги назарда тутилмоқда. Шоира ғазалнинг кейинги байтларида ана шу иккинчи маънони ривожлантира боради:

Бу жаҳон карвонсародир, қўниб ўткай барча эл,  
Сен ҳам охир кеткуликсан, мунда меҳмон ғам ема.

Карвонсарой – инсон учун жаҳоннинг муваққатлигини англатувчи қадимий рамз. Дунё шу қадар гўзал, ҳаёт шу қадар ширинки, қачонлардир бу гўзаллик ва ширинликдан бутунлай мосуво бўлиш инсониятга ҳамиша табиатнинг энг оғир адолатсизлигидай бўлиб туюлади. Турди Фароғий тили билан айтганда «Жойи осойиш эмас, ҳеч кима бу кўҳна равоқ».

Доғи фарзанд бирла мағмум бўлма, эй аҳмақ қабих,

Кеттилар сендан бурун онлар хиромон ғам ема.

Маълумки, тасаввуфда маломатия йўналиши мавжуд. «Маломатия тариқатининг асосида инсоннинг Оллоҳ қаршисида тамомила пастлиги ва ўз аъмолларида сидқидилдан ихлосманд бўлиш ғояси ётади. Маломатияга эргашган сўфи Оллоҳга эришиш учун нафси ва хавасини тийиши шарт». Маломатийлик маслаги, нафсни қийнаш, ўз нафсига ранж етказиш, бошқаларнинг таъна-маломатларини қувонч-ла қаршилаш маъноларини акс эттиради. Муаззамхоннинг юқоридаги «аҳмоқ», «қабих» деган маломатини ҳам шу йўналишнинг таъсири деб тушунмоқ лозим. Шоиранинг фикрича, киши фарзанд доғи билан андармон бўлиб, Оллоҳ олдидаги оддий бандалик бурчини унутмаслиги керак.

Дунё бир мотамсародур, ҳеч киши шод ўлмаган,

Мўъмин аҳлига эрур бу дор зиндон ғам ема.

Мутасаввуфларнинг фикрича, кунда йигирма марта ўлимни ёд олмоқ керак. Ўлимни ёдга олмоқ кўнгилни ҳар хил майда-чуйда ташвишлардан, кибр ва гурурдан озод этади, руҳни юксалтиради.

«Қисаси Рабғузий»да нақл қилинишича, «одам хоки узра ўтуз тўқуз йил қайғу ёғмири, бир йил севинч ёғмири ёғди». Ана шу диний қарашлардан огоҳ бўлган шоира «ҳеч киши шод бўлмаган»лигини ёдимизга солади.

Алишер Навоий бир ғазалида «Йиғлабон бошимга оҳим дудидан чирмаб қаро, Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзим бул дам тутай», - деб ёзади. Улуг шоирнинг бу фикрлари айримларга бадбинлик бўлиб туюлиши ҳеч гап эмас. Аммо Навоийнинг фикрича, бу кайфият қалбни тозалайди, инсонни камолотга ундайди. Муаззамхон ҳам юқоридаги байтида шу маънодан келиб чиққан. Байтнинг иккинчи мисрасида эса бу дунё мўъмин учун синов эканлиги бадийлаштирилади.

Тасаввуфий истилоҳлар нуқтаи назаридан бу дунё «ғамхона», «ҳасратхона», «зиндон». Зиндон, шунингдек, вужуд, тана маъносида ҳам ишлатилади. Яъни, руҳ ўзининг самовий кенгликларидан тор қафас каби вужудга

кирганлиги зиндонга тушиш билан қиёсланган ва «зиндон» сўзи шу тариха метафорик тушунча касб этган.

Сен сано эт таъна тоши гар ёғилса бошингга,

Тухмат ўқи тешса бағринг мисли пайкон ғам ема .

Муаззамхон шеъриятида «аҳли тамиз», «фаҳми дониш»ларга терс тимсоллар тез-тез учраб туради. Булар: «кажрав», «ҳарф укмас», «нодон», «номард», «мардуд», «илм ўкуган норасо» ва бошқалардир. Улар, яъни «фаҳми дониш»дан бегоналар қанча «таъна тоши»ни, «туҳмат ўқи»ни ёғдирмасин, Худо олдида юзинг ёруғ, - деб шоира ўзига хитоб қилади. Уларнинг фиску фужури ғам чекишга арзимаиди.

Кел, Муаззам, сен замин бўл, теша бирлан чопсалар,

Қил сукут гар қилса дашноми фаровон ғам ема .

Диққат қилинса, бутун ғазал бир поэтик ғоя - «мусофир»лик кайфиятини очишга йўналтирилган. Шу кайфият атрофидаги мулоҳазалар тадрижан ривожланади ва ўзига хос бир силсилани юзага келтиради. Муаззамхон «сен замин бўл» фикри Яссавийнинг «Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсин» жумлаларини эслатади, «туфроқ ила ўзни тенг тутишлик - буюклик замини, хокисорлик пояси, кибр, манманликдан покланиш, инсонийлик мартабаси олдида бўлак мартабаларни назарга илмаслик» ҳисобланади . Байт исломий маданиятнинг муҳим хусусиятлари бўлган хокисорликка, сабр-бардошли бўлишга даъват этади.

Нақл қилишларича, Ҳазрат Румийни бир шайх ҳақорат қилганида: «Ҳақоратинг била биргамен», - деб хокисорлик кўрсатган эканлар. Шунингдек, Муаззамхон ғазалининг мақтаъи билан Аҳмад Яссавийнинг «Золим агар жафо қилса, Оллоҳ дегил» сатрлари орасида ҳам яқинлик ва умумийлик жиҳатлари мавжуд. Икковида ҳам Оллоҳга таяниш ғояси устивор, икковида ҳам шарқона ахлоқ ифода этилган.

Кўриниб турибдики, Муаззамхон ижоди ҳам Шарқ мумтоз адабиётининг энг ажойиб хусусиятларини ўзида намоён этадиган шеъриятдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1959 й.
2. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент. Фан, 1983 й, 208 бет.
3. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Тошкент. Ёзувчи, 1996 й, 272 бет.
4. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент. Фан, 1992 й, 72 бет.
5. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 й.
6. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро. Бухоро давлат университети нашриёти, 2000 й.